



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (13.886)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам опа-сингиллар! Хурматли дўстлар!

Бугун мана шундай дилбар, кутлуғ баҳор айёмида сиз, мунис оналаримиз, хурматли опа-сингилларимиз, сулув қизларимизни ўзларингиз каби гўзал байрамнингиз – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини табриклаб, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадрли юртдошлар!

Ҳаммамиз яши тушунамиз, **“Меҳр – ҳаётнинг устуни”**, деган сўзларда чуқур маъно ва мазмун мужассам.

Бу ҳақда гапирганда, **муқаддас она, аёл зоти – чинакам меҳр булоғи, меҳр куёши**, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Шу куёш бор экан, меҳр-оқибат, эзгулик ва адолат, вафо ва садоқат каби буюк қадриятлар неча асрлардан буён безавол яшаб келмоқда.

Шу боис **бугунги қувончли айёмида аввало дунёда “фидойи” деган сўзга энг муносиб бўлган Она сиймоси олдига таъзим қиламиз. Ҳаётимиз қувончи, хонадонларимиз кўрки бўлмиш азиз аёлларимиз шайнага энг гўзал тилакларимизни изҳор этамиз.**

Ер юзюда сўз ва соз санъати, шоиру ҳофиз, расом ва ҳайкалтарош пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак пардаларда тараннум этиб келинади. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, **“Оламда аёл маҳкам дустон тумайди”**. Чунки, аёл сиймоси Яратганнинг тенгиси мўъжизаси бўлиб келган ва ҳаммиса шундай бўлиб қолади.

Бизга мана шу ёруғ, гўзал оламни янада гўзал ва ёруғ қилиб турганларингиз учун катта раҳмат сизларга!

Биз – Ўзбекистоннинг мард ўғлонлари, эр йигитлари сиз, азизларга бўлган ҳурматимиз, меҳр ва муҳаббатимизни оилаларимиз, эл-юртимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилишга қаратилган амалий ишларимиз билан изҳор этишга интилоқдамиз.

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиғи деб

тушунамиз. Сизларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли бўлиб яшашигинизни амалга ошираётган барча-барча ислохотларимизнинг асосий мақсади ва мезони деб биламиз. Бу йўлда эришган натижаларимиз фақатгина биринчи қадамлар бўлиб, сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз, дуоларингиз, ҳеч шубҳасиз, бизга чексиз куч-ғайрат бағишлайди.

Қадрли опа-сингиллар!

Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Лекин сизларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнатингиз, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларингизни ҳисобга олиб айтиладиган бўлсак, жамиятдаги ўрнингиз, Ўзбекистонимиз эришяётган ютуқлардаги бекиёс ҳиссангизни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуғли соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёди, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизи, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқни, саноатда 38 фоизни ташкил этамоқда. Ва сизларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатларингиз давлатимиз, халқимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Мустақиллик йилларида 2 минг 180 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлгани ҳам шундан далолат беради. Уларнинг орасида ўнлаб Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан арбоблари, халқ ўқитувчилари, халқ шоирлари, халқ артистлари борлигини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Бугунги давримизда турли жабҳаларда астойдил меҳнат қилаётган аша шундай жонқуяр, оқилла, меҳр-оқибатли аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли қизларимизни қўриб турганимдан хурсандман. **Уларнинг барчаси Ўзбекистон инсоний салоҳиятининг олтин фондини ташкил этади, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.**

Мамлакатимиз тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнатингиз, эзгу фа-

зилатларингиз билан ҳаммага ўрнак бўлиб келаётганингиз учун сизларга ўз номимдан, кўп миллатли бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Хурматли юртдошлар!

Барчангизга маълумки, биз **“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** Президент фармони қабул қилдик. Утган қисқа даврда ушбу фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони, 2 та қарори, ҳукуматимизнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди.

Ана шу ҳужжатлар асосида илгари имкониятлари чекланиб, фаолияти сусайиб қолган Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари бутунлай янги асосда ташкил этилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Ҳозирги кунда ушбу тизимда катта билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган 10 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар кўмитасининг ҳудудий бўлиmlари қошида “Хўққушнос аёллар”, “Илм-фан ва аёл”, “Ижодкор аёллар”, “Ташаббускор аёллар”, “Аёл ва саломатлик”, “Фахрий аёллар” жамоатчилик уюмлари ташкил этилди. “Йил аёли”, “Ибратли оила” танловлари ўтказилмоқда. Энг асосийси, амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва юртимиздаги сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилиб, 3 мингга яқин етакчи хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани эътиборга лойиқдир. Айнаи вақтда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш тизими яратилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракати катта салоҳият ва истиқболга эга эканини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссияси ҳамраиси, Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари, шунингдек, кўп қиррали амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги алоқалар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончга асосланган мулоқот, мамлакатларимиз идоралари, ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги шериклик ва алма-шувлар жадаллашгани савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги самарали ҳамкорликни низоҳат даражада оширишга хизмат қилди.

Россия Президенти Владимир Путиннинг ўтган йил октябрий ойда Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитгани қайд этилди.

2018 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 20 фоиз ошиб, қарийб 6 миллиард долларга етди. Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида, жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа кўлаб тармоқларда йirik инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзаро мулоқотнинг янги кўп даражали формати, яъни икки давлат Бош вазирлари раҳбарлик қиладиган Икки томонлама ҳамкорлик бўйича кўшма комиссиянинг ташкил этилиши, ҳеч шубҳасиз, кўп қиррали шерикликни кенгайтириш бўйича эришилган келишувлар самарадор-

лигини ошириш ва уларни ўз вақтида рўйбга чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари қаторида мамлакатимиз ҳудудларида Россия компаниялари иштирокида агрокластерлар ва логистика марказлари ташкил этиш, Ўзбекистон мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотларини Россия бозорига катта миқдорда улгуржи нарҳда етказиб бериш бўйича янги тизим жорий этиш, ҳудудлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қўлай шароитлар яратиш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида ўзаро алмашувларни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш қайд этилди.

Россия иқтисодий ривожланиш вазири Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳамда Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Максим Орешкин Ўзбекистонда мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, иқтисодийни либераллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инвесторларни ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юксак баҳолади.

Россия ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, турли соҳаларда истиқболли кўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун бундан буён ҳам зарур чоралар кўришга тайёр экани таъкидланди.

Ў.А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқараётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофоти” таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”-ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сонли ва “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонларига асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.
2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.
4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 2 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотини улуғлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, хотин-қизларимизнинг оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган туб ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги, саноат, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Салоҳий Дилором Исомиддин-қизи – Самарқанд давлат университетининг мумтоз адабиёт тарихи кафедраси мудир, Самарқанд вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Маркелова Людмила Васильевна – Республика Иттифослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг велотрек бўлими катта мураббий-ўқитувчиси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Вахидова Гулчехра Гулямовна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Мустафоева Ханифа – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Рашидова Сайёра Шарафоновна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти директори

Саломова Назира – Тошкент шаҳридаги Мухаммад Юсуф номидаги жамоат фонди раҳбари

Хашимова Улмас Пахритдиновна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎРНИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштириш самарали мувофиқлаштириш, халқаро майдонда мамлакатимиз мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш, масъул давлат органлари раҳбарларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишида уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Устувор халқаро рейтинг

ва индексларни комплекс равишда кўриб чиқиш ва яхшилаш борасида ижро самарадорлигини ошириш ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилаётган тегишли чора-тадбирларни тизимли мувофиқлаштириш лозимлигини инобатга олган ҳолда:

Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 1-иловадаги таркибга мувофиқ тузилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасига халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Бошқарма) ташкил этилсин ва юқори малакали кадрлар билан тўлдирилиши таъминлансин.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТИЗИМИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун рақобат муҳитини ҳамда қўлай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, республиканинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлигининг 2019 йил 1 июлдан бошлаб:
 - а) халқаро ташувчиларда фойдаланиладиган тегач (штатки) автомобилларга лицензия карточкалари берилиши учун давлат божи тўлаш тартибини;
 - б) қўйидагиларни:
 - олиб қилинадиган ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган “Евро-5” ва “Евро-6” экологик синф талабларига мос келадиган янги юк ва махсус автотранспорт воситаларни, шунингдек, автомобиль транспортда юк ташини учун фойдаланиладиган тиркама ва яримтиркачаларни;
 - транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлашни;
 - чек бериш ёки йўловчининг юрганлигини электрон қайд этиш имконияти мавжуд бўлиши шарт билан йўловчилар ташинида фойдаланиладиган автотранспорт воситаларида назорат-касса аппарати мавжуд бўлиши ҳақидаги талабларни;
 - қўйидагиларнинг:
 - автомобиль транспортда юк ташини билан шуғулланувчи яқка тадбиркорларнинг;
 - корхона штатида белгиланган тартибда аттестациядан ўтган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва ташини хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган мутахасссининг алоҳида бириги мавжуд бўлиши шарт билан юридик шахс раҳбарининг малака талабларига мувофиқлик юзасидан
2. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ижара шартномаларини тасдиқлаш учун амалдаги давлат божи миқдори икки маротаба камайтирилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар, шу жумладан, қуйидаги имкониятларни назарда тутувичи **“UzTrans” ягона интерактив ахборот тизими** (кейинги ўринларда – ахборот тизими) яратилишини таъминласин:
 - лицензияларнинг шахсий кабинет фаолият юритиши;
 - автомобилда халқаро ташини хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчилар ўртасида автоматик равишда чораклар бўйича тақсимлаш;
 - йўловчилар ва юкларни шахар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро ташини фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар, автомобилда халқаро ташини хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномалар, шунингдек, ЮХИТ дафтарчасини қўлга олмаганда ЮХИТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатномалар олишга талабдорларнинг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш босқичини кўрсатган ҳолда қайта ишлаш;

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдирова Тазахан Мамбеткаримовна – Кўнғирот сода заводи масъулияти чекланган жамиятининг цех аппаратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Абидова Мухаббат Фазиловна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Алиева Зухраҳон Каримовна – Қува тумани “Қува ҳаёти” газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти
Арипова Тамарахон Уктамонова – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иммунология ва инсон генетики институтини директори
Арсланова Наргиза Муталовна – Тошкент шаҳридаги “Аkfa Dream World” масъулияти чекланган жамияти кран машинчиси
Базарова Матлуба – Бухоро вилояти хунарманчиликни ривожлантириш маркази раҳбари
Кучбаева Шаролат – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Косимова Олмахон Иминджановна – “Сирдарё иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқаришни созлаш ва техник ҳисоб-китоб бўлими муҳандиси, Сирдарё вилояти
Максудова Зулфия Рустамовна – Тошкент шаҳридаги “ДМС” инновацион кўп тармоқли клиника директори
Мухитдинова Мукаррам Ишановна – “Нуроний” жамғармасининг Марказий Кенгаши фахрий аёллар билан ишлаш гуруҳи раҳбари ўринбосари
Салахитдинова Мухаррам – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Султанова Сайёра Умаровна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Хабибуллаева Элеонора Рахматжановна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Азимова Гулрано Зухуровна – Юнусобод туманидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 87-мактаб директори, Тошкент шаҳри
Эрралиева Малика Махкамовна – Янгиқўрғон туманидаги 59-оилавий поликлиника мудир, Наманган вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдусаттарова Шоира Қахрамонова – Юнусобод туманидаги 50-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри
Азимова Раъно Усмановна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон
Атаматовна Хадича Саломовна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Даулетова Гулстан Отемисовна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Қорақалпоғистон Республикаси
Дурдыева Гавхар Салаева – Хоразм Мамвун академияси жанубий Оролбўйи тарихий меъморий ёдгорликларини синаш ва таъмирлаш лабораторияси мудир, Хоразм вилояти
Қошимбетова Кутли Абдуллаева – Кўнғирот туманидаги “Қорақалпоғистон” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Кучарова Дилдора Лутпуллаева – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Узархив” агентлиги бош директорининг ўринбосари
Мамуржонова Мастураҳон Анарговна – “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Узун тумани бўлими раҳбари, Сурхондарё вилояти
Матякубова Парахат Майлиева – Тошкент давлат техника университетининг метрология, стандартлаштириш ва сертифицилаштириш кафедраси мудир
Мусаева Сайёра – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Мухторова Назира Абдусаттаровна – Жиззах вилояти хокимининг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси
Отаева Фароғат Мўминовна – Миришкор туманидаги “Янги Миришкор агропилла” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қашқадарё вилояти
Пак Рита Исековна – Ўзбекистон корейс маданият марказлари уюшмаси раисининг ўринбосари
Сативалдиева Танзила Мансуровна – “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи сувлари эритмалар электротехничеси, Тошкент вилояти
Содиқова Масудакхон – Тўрақўрғон туманидаги “Дилрабо-СДМ” кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси директори, Наманган вилояти
Тулқонова Зибба Толибековна – Томди тумани ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси, Навоий вилояти
Тухтабоева Охатон Тўрабоевна – Сўх тумани ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси, Фарғона вилояти
Хайдарова Нилуфар Анарговна – Андижон шаҳридаги “Zahiriddin Muhammad Bobur Universal Academy” нодавлат таълим муассасаси директори, Андижон вилояти
Шариатуллаева Марям – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Шарифходжаева Лолаҳон Усмановна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри
Юсупова Хадия – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоси

“Шухрат” медали билан

Божоновна Нигора Юсуповна – Мирзачўл туманидаги 2-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Жиззах вилояти
Жураева Шоира Шониезовна – Сурхондарё вилояти мусикали драма театри бош балетмейстери
Комалова Меҳринисо Нафасовна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Яқкабоб тумани Кенгаши раисининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти
Кучанова Нигора Кучаровна – Урганч шаҳридаги “Хоразм технология” хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти
Одилова Гулноза Комилжоновна – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудир
Орипова Ойимхол Ахмедовна – Нурота туманидаги “Мурувват” ноғирон эркаклар учун интернет уйи катта ҳамшираси, Навоий вилояти
Отахонова Одинахон Иномовна – Шахристон туманидаги “Иномжон фойз” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти
Содиқова Дилбар Юсупжоновна – Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими бош мутахассиси, Тошкент вилояти
Садуллаева Рано Шавкатовна – Сирдарё туманидаги “Сирдарё универсал ойна” масъулияти чекланган жамияти техник-назорат бўлими оператори, Сирдарё вилояти
Тошова Мойра Набиевна – Бухоро шаҳридаги “Шайхул Олам” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти
Убайдуллаева Хуршида Абдуллаева – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг геномика ва биоинформатика маркази лаборатория мудир
Хамдамова Мавлуда Норимовна – “Хунарманд” уюшмасининг Самарқанд вилояти бошқармаси “Устоз-шоғирд” мактаби раҳбари
Юлдашева Зулфия Кураловна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЎРНИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Белгилаб қуйилсинки:
а) Комиссия халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш доирасида:
ҳар ойда камидан бир маротаба йиғилади;
мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун устувор йўналишларни белгилаб беради ва амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш боради;
тегишли қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижросини вазирлик ҳамда идоралар томонидан сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди, шунингдек, уларнинг ойлик ҳисоботларини эшитилади;
Ўзбекистон Республикаси Президентига амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда камидан бир маротаба ҳисобот тақдим этади;
б) молия вазирлиги ўринбосари:
халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида мутасадди вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорлигини, уларга юқлатилган вазифаларни самарали ва сифатли бажариш учун услубий ва консултатив ёрдам кўрсатишни таъминлайди;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида, шу жумладан, Раёсат мажлисларида, мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида амалга ошириладиган ишлар ахволини танқидий кўриб чиқиш бўйича таклифлар беради;
в) Бошқарма Комиссия ишчи органи бўлиб, мутасадди

вазирлик ва идораларнинг халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этади ва зарур маълумотларни умумлаштириш, бу борада қуйидаги вазифаларни амалга оширади:
мутасадди вазирлик ва идоралардан зарур бўлган маълумотларни сўраб олади, амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг натижадорлиги юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлайди ва Комиссияга тақдим қилади;
халқаро рейтинг ва индексларни эълон қилувчи ташкилотлар, рейтинг агентликлари, маҳаллий ҳамда халқаро эксперт, консултант ва мутахассислар билан тўғридан-тўғри ишлайди, шу жумладан, уларни республикага таклиф қилади ва олиб бориладиган ишларнинг қўлама ва яқиндан таъминоти, чет элда соҳага оид тадбирларда мутахассислар иштирокини, давра суҳбатлари, халқаро форум ва конференцияларни ташкиллаштириш боради;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясининг Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси билан устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш учун комплекс чора-тадбирларни белгилаш юзасидан яқиндан ҳамкорлик қилади;
тегишли таклифларни ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади;
г) халқаро рейтинг ва индексларнинг маълумот базаларидан фойдаланиш, зарур ахборот материалларини олиш, ушбу рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича халқаро рейтинг агентликлари ҳамда халқаро эксперт, консултант ва мутахассисларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш Ўзбеки-

стон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Мутасадди вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари:
тегишли халқаро рейтинг ва индекслар бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда шахсан масъул этиб белгилансин;
икки ҳафта муддатда жорий йилнинг 1 сентябрга қадар амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Комиссиянинг ишчи органига тақдим этсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.
5. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларидаги конвенциянинг қўшимча баённомасидаги қўшимчаларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритсин.
7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

автотранспорт воситаларидан лицензия қарточкаларисиз фойдаланиладиган давлат рақами белгилари қайтарилиши чораларини кўрган ҳолда йўналишсиз таксилар учун мўлжалланган автотранспорт воситалари-га махсус сериялардан берилган давлат рақами белгиларининг амалдаги лицензия қарточкаларига мувофиқлиги юзасидан таътир ўтказилсин;
б) автомобил транспортда юк ва йўловчиларни ташиш хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қўчайтириш бўйича таклифлар киритилсин;
в) ҳимояланган телекоммуникация каналлари ёрдамида “Транспорт воситалари ҳисоби”, “Техник кўрик” ва “UzTrans” ахборот тизимларининг самарали идораларга интеграциясини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.
6. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида автомобил йўлларида транспорт воситаларининг оғирлик ва габарит параметрларини аниқлаш учун автоматлаштирилган ўлчов воситалари билан жиҳозланган оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар ва қўйма шохобчаларни ташкил этиш тартиби жорий этилсин.
Транспорт вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар автомобил йўлларида давлат-хусусий шериклик объекти рўйхатини, регламенти ва инвесторларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида танлаб олиш механизмининг назарда тутилган оғирлик ва габарит назорати бўйича махсус пунктларни ташкил этиш юзасидан фаолиятни амалга ошириш тартибини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
7. Қуйидагилар:
Йўловчи ва юк ташишни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;
Транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан хорижий давлатлар билан музокаралар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги бир ой муддатда:
Давлат солиқ кўмитаси билан биргалик-

да яқка тартибдаги тадбиркорларга рухсат бериш тартибларини соддалаштириш ва минималлаштириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда энгил автомобилларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;
манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат буюртмачилари, шу жумладан, хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг автомобил транспортда юк ташиш хизматлари кўрсатишни махсус электрон савдо майдончасида электрон савдо ақунари бўйича харид қилиш ва хизмат кўрсатишини назарда тутилган тартибни жорий этиш ҳақидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва бошқа идоралар билан биргаликда хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши, транзит ўтиши (алоҳида юклар ва ҳарбий контингентлардан ташқари) ва худудда бўлиши тартибидан, шу жумладан, республикага қираётган хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг бўлиши муддатларини оптималлаштиришни назарда тутилган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий таъшиувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлашган икки пункт оралиғида юк ва йўловчилар ташиш амалга оширилганлиги, шунингдек, рухсат этилган оғирлик ва габарит параметрлари оширилганлиги учун таъсир чораларини қўллаш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;
Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи иш-

лар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 20 февралда Женева шаҳрида имзоланган электрон юк хатига тегишли Юлларни халқаро йўлларда ташиш (ЮИТ) шартномаси тўғрисидаги конвенциянинг қўшимча баённомасида қўшилиши тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда миллий транспорт-экспедиторлик ташкилотлари томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, мазкур шартномаларни тузган ташкилотлар рўйхатини ошқорга эълон қилиш тартибининг ўрнатилсин.
9. 2022 йил 1 январгача авиация ёқилғиси, локомотивлар, темир йўл вагонлари ва бутловчилар (ТИФ ТН коди 8601-8607), барча типдаги юк контейнерлари (ТИФ ТН коди 8609), учми аппаратлари (ТИФ ТН коди 8802) ҳамда ишлаб чиқарилганга 4 йилдан ошмаган, юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8701 20, 8704 23 (самосваллардан ташқари), 8716 31, 8716 39) божхона тўловларидан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно). Бунда республикага олиб қирилган авиация ёқилғиси ўрнатилган тартибда қўшилган қиймат солиғига тортилади.
10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.
11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М.Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Н.С.Отажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 6 март

XXI сароси Барча манбалардан олинган сўмани хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Халқаро пресс-клубда “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юришти” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари: устувор вазифалар ва муаммолар таҳлили” мавзусида навбатдаги сессия бўлиб ўтди.
● Тошкент вилоятида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид Давлат

дастурида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилояти сайёҳлик салоҳиятини ошириш ва туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Унга мувофиқ, туристларни кенг жалб этиш ва уларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли фестиваллар, сайллар, шоулар ўтказилади.

● Каршида “Қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда қурғокчиликка чидамли экинлар уруғчилигини ташкил қилиш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Семинарда мамлакатимизда тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги амалиётининг умумий ҳолати, истиқболлари хусусида фикр алмашилди. Томчиликчи сўғоришнинг афзалликлари, уруғчилик секторини ривожлантириш, ўсимликлар қолдиқлари билан ишлаш,

бегона ўтларга ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишнинг самарали усуллари хусусида ҳам маълумот бериб ўтилди.

ЖАҲОНДА

● Рим Папаси Ватиканнинг II жаҳон уруши пайтидаги архивларининг ошқор этилишини маълум қилди.

● Чехиянинг Брно шаҳрида иккита йўловчи поездди ўзaro тўқнашиб кетди. Ҳалокат чоғида поездларда жами 250 нафар йўловчи бўлиб, уларнинг 21 таси жароҳатланиб касалхонага ётқизилди. Жароҳатланганларнинг ахволи оғир эмаслиги айтилмоқда. Ҳозирда тўқнашув сабаблари аниқланмоқда.

● Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтаётган модалар ҳафталигида яқинда ҳаётдан кўз юмган машҳур модельер Карл Лагерфельднинг сўнгги CHANEL тўплами мухлислар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Тошкент шаҳри, 2019 йил 6 март

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланиб, юртимиз фаровонлиги янада ошиб боргани сари хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳам ортиб бормоқда.



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида таъсис этилган "Муътабар аёл" кўрак нишони ҳам бунинг яна бир ёрқин мисолидир.

нинг манфаатларини таъминлаш, оғирини енгил қилиш, кучли ижтимоий ҳимоялаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар халқаро миқёсда ибрат олишга арзигулик намуна эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизларнинг фаол иштирокчини таъминлаш, уларга қулай шароитларни яратиш, юрт тараққиёти ва раванқи йўлида иқтидор ва билимини ошириш борасида кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ҳамшаҳарларимиз


МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР

Чунки ўзбек аёллари ҳар соҳада илми, изланувчан, уddaбурон ва ўзгача шиддат билан фаолият юритиб, юксак марраларни забт этмоқда.



ёрдам кўрсатишни тизимли равишда йўлга қўйган.

Гулнигор САТТОВА




АЁЛ БОРКИ – ОЛАМ МУНАВВАР

Бахт – амалга ошган орзу-умидда.

БАЙРАМ БОШҚОТИРМАСИ

- 1. Mashhur ўзбек балет устаси, халқ артисти. 2. Оналар кўшиғи. 3. Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" комедияси қахрамони.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Тошкент шаҳар Юнусobod туманидаги 51-мактаб-гимназия томонидан 1998 йил Тураева Умида Султанбаева номига берилган № 214015 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли